

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

“14” август № 14 2018 йил

Марказий банк Раисининг
биринчи ўринбосари



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2018 йил 20 июндаги
37-сонли баёниомаси билан

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Кенгаши Раиси



“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ - ҚУРИЛИШ БАНКИ”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Умумий қондалар

1. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк”) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда мазкур Уставга амал қилади.»

2. Банк муддати чекланмаган ҳолда тузилган акциядорлик жамияти бўлиб, ўз мулкида алоҳида мол-мулкига эга бўлган, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган юридик шахсдир. Банкнинг мол-мулки мустақил балансда ҳисобга олинади.

Банк Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида давлат рўйхатига олинган вақтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

Банкка Ўзбек халқаро банки “Ўзприватбанк” бирлаштирилган. Шу муносабат билан “Ўзприватбанк”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Банкка ўтади ва Банк “Ўзприватбанк”нинг ҳуқуқий вориси бўлиб ҳисобланади.

3. Давлат ва унинг органлари Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, ҳудди шунингдек, Банк ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгардир.

Банк акциядорлари Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Агар Банкнинг банкротлиги Банк учун мажбурий бўлган курсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Банкнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядор зиммасига Банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

5. Банк ўзининг тулиқ номи ўзбек тилида ёзилган юмалоқ муҳрига, ўз номи ёзилган ҳамда эмблемаси (логотипи) туширилган штампи ва бланкаларига эга. Банкнинг эмблемаси устма - уст тахланган 3 та тилла тангадан иборат бўлиб, уларнинг гардишига O'z, устидаги тангага SQB сўзлари ёзилган бўлиб, улар “O'zsanoatqurilishbank” - банкнинг қисқартирилган ўзбек тилидаги фирма номини ифодалайди.

6. Банкнинг манзили у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади. Банкнинг жойлашган ери, почта ва унинг Бошқарув органлари жойлашган манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 3 уй.

Банкнинг электрон почта манзили: info@uzpsb.uz

Банкнинг расмий веб сайти: www.uzpsb.uz

7. Банкнинг фирма номи:

Ўзбек тилида:	- тўлиқ номи:	“O‘zbekiston sanoat-qurilish banki” aksiyadorlik tijorat banki
	лотин алифбосида	
	кирилл алифбосида	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки
	- қисқартирилган номи:	
рус тилида:	лотин алифбосида	“O‘zsanoatqurilishbank” АТБ
	кирилл алифбосида	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
	- тўлиқ номи	акционерный коммерческий банк «Узбекский промышленно- строительный банк»
	- қисқартирилган номи	АКБ «Узпромстройбанк»
инглиз тилида:	- тўлиқ номи	“Uzbek Industrial and Construction Bank” Joint-Stock Commercial Bank
	- қисқартирилган номи	“Uzpromstroybank” JSCB

II. Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади, банк операциялари

8. Банк фаолиятининг асосий йўналишлари:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

туловларни амалга ошириш.

Банк фойда олишни асосий мақсад қилиб олган тижорат ташкилоти бўлиб, банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

Банк универсал банк бўлиб ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг ҳамагона банк тизимига қиради.

Банк Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши Банкнинг жорий ҳужжалик фаолият билан боғлиқ битимлар бўлиб, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда, Марказий Банк томонидан Банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияда ҳамда ушбу Уставда кўрсатилган банк операциялари, шунингдек актив операциялар бўйича гаровдаги ва бошқа мулкларни банк балансига олиш ва сотиш ҳисобланади. Бунда барча банк операциялари амалдаги қонунчилик, Марказий банкнинг мажбурий иктисодий нормативлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

9. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга мувофиқ қуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;
кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
мблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
пул маблағларини, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассация қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пулат сандиқларни ижарага бериш;

молиявий лизинг.

Банкнинг жамғарма кассалари, тўлов шохобчалари ва сайёр кассалари аҳолидан давлат бюджети даромади ҳисобига, корхона, ташкилот ва муассасалар фойдасига тўловлар қабул қилишни амалга оширади, тузилган шартномалар асосида уларнинг топшириқларига кўра аҳолига нақд пул беради, шунингдек бошқа турдаги чакана банк хизмат турларини кўрсатади.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга мувофиқ чет эл валютасида қуйидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

очик валюта мавқеи (позицияси) лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли банклар ва ўз мижозлари билан, валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;

юридик ва жисмоний шахсларларга - чет эл валютасида ҳисобварақларни очиш ва юритиш;

мижозларнинг экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳисоб-китобларини чет эл валютасида ҳужжатли аккредитив, инкассо, банк жўнатмаси шаклида, шунингдек халқаро банк амалиётида қўлланиладиган бошқа шаклларда амалга ошириш;

чет эл валютасидаги маблағларни кредит, депозит, омонат ҳамда халқаро банк амалиётида қабул қилинган бошқа шаклларда жалб этиш ва жойлаштириш ҳамда Банкнинг чет эл валютасидаги маблағлари миқдори чегарасида кафолат бериш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ валюта айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

банк ҳисобварақларини очган ҳолда ёки бундай ҳисобварақларни очмай туриб халқаро пул жўнатмаларини ўтказиш.

Чет эл валютасида операциялар амалга ошириш учун Банкка Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда бошқа чет эл банкларида вакиллик ва бошқа

ҳисобварақларга эга бўлиш, улар билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш ҳуқуқи берилган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ва халқаро банк амалиётига мувофиқ Банк лицензиясида махсус кўрсатилган бошқа операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

Банк ўз филиаллари ва бошқа тузилмавий бўлинмаларини чет эл валютасида операциялар амалга ошириш учун уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва тайёргарлик даражасига қараб мустақил белгилайди.

9.1. Қуйидагилар Банкнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнидаги энг муҳим вазифалари ҳисобланади:

Ўз капитали ва жалб этилган капитал билан энг аввало республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларида, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этиш;

нефть-газ, кимё, электроэнергетика, электротехника ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини лойиҳавий молиялаштиришни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун, жумладан халқаро капитал бозорларидан, хорижий инвестиция ва кредитларни рағбатлантириш ҳамда синдикатлаштирилган кредитларни кенг қўллаш йўли билан зарур кредит ресурсларини жалб этиш.

10. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни амалга оширади.

11. Банк Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириқларига биноан марказлаштирилган капитал қўйилмаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаш вазифаларини бажаради. Банк тегишли кафолатларга асосан Марказий банк томонидан ёки Молия вазирлигининг кредит линияси бўйича бериладиган ресурслар ҳисобидан давлат ва ижтимоий дастурларни, шу жумладан, имтиёзли асосда кредитлаши мумкин.

III. Банкнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Банк фаолиятини тартибга солиш

12. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

омонатчилар ва қарз олувчилар билан тузилган шартнома асосида, бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш. Марказий банкнинг кредит ресурслари ҳамда Молия вазирлигининг кредит линияси ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари марказлаштирилган ресурслар учун туланадиган ҳақ ва Банк харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва бошқа сиёсатларни мустақил белгилаш ва амалга ошириш;

бошқа банклар билан бир-бирининг маблағини шартнома асосида депозит, кредит шаклида жалб этиш ва жойлаштириш;

талабдан воз кечиш тўғрисидаги шартнома ёки қонун асосида кредит ва бошқа актив операциялар бўйича ҳар қандай ҳажмдаги талаб (ҳуқуқ)ларни бошқа шахсларга ўтказиш (воз кечиш), шунингдек кредит ва бошқа актив операциялар бўйича учинчи шахсларнинг талаб (ҳуқуқ)ларини олиш (эга бўлиш);

ташқил этилган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

мижозларга кўрсатилган хизматлар учун воситачилик миқдорини миллий ва чет эл валютасида мустақил белгилаш;

барча солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан захира ва фондлар ташқил этиш;

ўз молия-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган қонунчиликда тақиқланмаган битимлар ва бошқа ҳўжалик субъектлари билан ҳўжалик шартномалари тузиш;

ўзининг ҳўжалик, молиявий ва тижорат фаолиятини мустақил равишда режалаштириш ва ташқил этиш, Банк ходимларига иш ҳақи миқдори ва тизимини мустақил белгилаш.

13. Молиявий барқарорликни таъминлаш, кредиторлар ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги Банкнинг бурчлари:

Марказий банк белгиллаган иқтисодий меъёрларга риоя этиш;

ўз капитали ва ликвидли ресурсларини старли даражада сақлаб туриш;

Марказий банк белгиллаган тартибда активларни таснифлаш асосида улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира яратиш;

йўқотишлар хатарини камайитириш мақсадида ўз активларини диверсификациялаш;

қуйидаги ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиллаган тегишли шартларга риоя этиш:

амалга оширилган инвестицияларнинг тури ва шакллари;

кўчмас ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ва эғалик қилиш;

бошқа юридик шахсларнинг устав фонди (капитал)ларида иштирок этиш;

амалдаги банк қонунчилиги асосида кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва бошқа сиёсатларни, банк операцияларини амалга оширишга доир бошқа ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

инвестициялар (қимматли қоғозлар, кредитлар) киритилган (ажратилган) корхоналар фаолияти мониторингини амалга ошириш;

банкнинг жамғарма кассаларига ишониб топширилган пул маблағларининг сақланишини, уларни омонатчининг биринчи талабидан қайтарилишини, банк сирини ташқил этувчи маълумотларни муҳофаза қилинишини кафолатлаш;

банкнинг “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ ошқор қилиниши лозим бўлган ахборотларни қонунчиликда ва Корпоратив бошқарув кодексида ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибда ошқор этиш;

банкда ички аудит хизмати мавжудлигини таъминлаш;

банк ўз акциядорлари таркибига Банкни бошқариш, рақобатдош банк хизматлари кўрсатишда иштирок этувчи стратегик хорижий инвесторларни жалб қилади.

14. Банк қуйидагиларга ҳақли эмас:

капитални тақсимлаш натижасида у талаб қилинадиган энг кам миқдордан ҳам камайиб кетадиган бўлса, капитални тақсимлашга;

акциялар шаклидаги ўз қимматли коғозлари билан кафолатланган кредит беришга;

олдиндан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга.

Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, конун ҳужжатларида кўзда тutilган ҳоллар бундан мустасно.

IV. Банкнинг ўз капитали

15. Банкнинг ўз капитали Банк балансида ҳисобга олинган устав капиталидан, қўшимча ва захира фондларидан, тақсимланмаган фойда ҳамда фойда ҳисобидан ҳосил бўлган бошқа фондлардан таркиб топади.

16. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Банк устав капиталининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16.1. Банкнинг устав капитали (жойлаштирилган акциялар сони) 1.451.843.469.952 (бир триллион тўрт юз эллик бир миллиард саккиз юз қирк уч миллион тўрт юз олтимиш тўққиз минг тўққиз юз эллик икки) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

умумий қиймати 1.444.813.469.952 (бир триллион тўрт юз қирк тўрт миллиард саккиз юз ўн уч миллион тўрт юз олтимиш тўққиз минг тўққиз юз эллик икки) сўм бўлган 76.042.814.208 (етмиш олти миллиард қирқ икки миллион саккиз юз ўн тўрт минг икки юз саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

умумий қиймати 7.030.000.000 (етти миллиард ўттиз миллион) сўм бўлган 370.000.000 (уч юз етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

16.2. Устав капиталини ошириш мақсадида, Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган (қўшимча) жами акциялар сони 194.909.314.714 (бир юз тўқсон тўрт миллиард тўққиз юз тўққиз миллион уч юз ўн тўрт минг етти юз ўн тўрт) донани ташкил қилади, шу жумладан:

умумий сони 194.723.314.714 (бир юз тўқсон тўрт миллиард етти юз йиғирма уч миллион уч юз ўн тўрт минг етти юз ўн тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

умумий сони 186.000.000 (бир юз саксон олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

17. Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш фақатгина қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк Кенгаши томонидан қабул қилиниши мумкин.

Банк Устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк

устаида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

18. Банк устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш ҳамда Уставга тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилгандан кейин қабул қилади.

Банк ўз устав капиталини Марказий банк томонидан ўрнатилган банклар устав капиталининг энг кам миқдоридан камайтиришга ҳақли эмас.

18.1. Акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан устав капиталини камайтиришда олинадиган акциялар тури, ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, шунингдек акцияларни олиш амалга ошириладиган муддат Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгиланган бўлиши керак.

18.2. Акцияларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан Устав капиталини камайтиришда акцияларнинг янги номинал қиймати, акция нархи ва унинг янги номинал қиймати ўртасидаги тафовутни акциядорларга қайтаришнинг шакли ва муддати Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланган бўлиши керак.

18.3. Акцияларни олиш (акция нархи ва унинг янги қиймати ўртасидаги тафовутни қайтариш) 10 (ўн) кундан кам бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Банк тарафидан оддий акцияларни олиш (акция нархи ва унинг янги қиймати ўртасидаги тафовутни қайтариш) бозор нархида, имтиёзли акцияларники эса Банк устаида кўзда тутилган нархда амалга оширилади.

V. Банкнинг фондлари ва соф активлари

19. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Банк активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарк сифатида аниқланади.

20. Агар молия йили тугагандан кейин Акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиғига тақдим этилган Банкнинг йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра Банк соф активларининг қиймати унинг устав капиталидан оз бўлиб чиқса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг устав капиталини унинг соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтирилишини эълон қилади.

21. Агар молия йили тугагандан кейин Акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ Банк соф активларининг қиймати устав капиталининг Марказий банк белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлиб чиқса, Умумий йиғилиш Банкни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

22. Захира фонди. Захира фонди банк устав капиталининг ун беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил этилади.

Захира фонди Банк уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаган мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг захира фонди банкнинг қўрилган зарарлари ўрнини қоплаш, Банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тулаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

VI. Банкнинг акциялари ва бошқа қимматли қўғозлари

23. Банк акциялари эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз эмиссиявий қимматли қўғозлар бўлиб, улар турига қўра оддий ва имтиёзли бўлади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

Имтиёзли акциялар Банк устав капиталининг 20 (йигирма) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, коюда тариқасида жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади.

24. Банк акциясининг номинал қиймати 19 (ун тўққиз) сўмни ташкил қилади.

25. Банк акцияси бўлинмасдир. Банк акцияси умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, уша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - акциядор деб эътироф этилади.

26. Акцияга ҳақ тўлиқ тўланмагунга қадар, бундай акция овоз бериш ҳамда дивидендни олиш ҳуқуқини бермайди. Банкнинг қўшимча чиқарган акцияларига мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган жойлаштириш муддати мобайнида ҳақ тўланиши керак.

Банкнинг акция ва бошқа қимматли қўғозларини сотиб олиш учун тўлов фақат пул воситасида амалга оширилади. Акциядор томонидан кредитга, гаровга ва бошқа жалб этилган маблағларидан Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

27. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қирим ёзуви қиритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан қўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдикланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қозоғза бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

28. Банк қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қозоғзаларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

29. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қозоғзаларни жойлаштиришнинг очиқ ёки ёпиқ обуна усуллари уларнинг чиқариш (эмиссия қилиш) тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

Банк акцияларини жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қозоғзаларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк Кенгаши томонидан, қимматли қозоғзалар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар қонъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Банкнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қозоғзаларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш (эмиссия қилиш) тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Банк акциялари ва бошқа қимматли қозоғзаларининг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.

Банк ўз акцияларини Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларига, резидент ва норезидентларига чет эл валютасида сотиш ҳуқуқига эга. Банкнинг акциялари ва бошқа қимматли қозоғзаларига чет эл валютасида ҳақ тўлаш уларни чиқариш шартларига (эмиссия қозоғзаларига) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкни назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида Банк акцияларининг беш фоиздан ортиғини сотиб олишда Марказий банкка хабар берилиши, йигирма фоиздан ортиғини сотиб олиши учун Марказий банкнинг олдиндан розилиги олиниши лозим.

31. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ва эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгаллигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари томонидан Банк акцияларини сотиб олиш бўйича битимлар фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рўхсати олингандан сўнг амалга оширилади.

32. Чет эл банкларининг Банк акцияларини сотиб олишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиллаган қўшимча талаблар бажарилгач амалга оширилади.

Қуйидаги шахслар Банк акциядорлари бўла олмайдилар:

оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нобюджет фондлар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

33. Банк норезидентлар бадаллари ҳисобига ўз устав капиталини қўпайтириш, шунингдек, Банк акцияларини сотиш ёки тўланмаган акциялар ва Банк акцияларини имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқини резидент акциядорлар томонидан норезидентлар фойдасига бериш учун белгиланган тартибда олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиши шарт.

VII. Банкнинг фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш

34. Банкнинг фойдаси операциялар харажатлар, моддий ва уларга тенглаштирилган харажатлар, шунингдек активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини чегирма қилган ҳолда банк фаолиятининг барча турларидан келадиغان тушумдан ташкил топади.

35. Банк ўзининг соф фойдасини тақсимлашда тўлиқ ҳўжалик мустақиллигига эга.

Бюджетга солиқлар тўлангандан ва фондларга ажратмалар ўтказилгандан кейин қолган фойда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши белгиланган тартибда ишлатилади. Банкнинг соф фойдаси Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ тақсимланади. Банкнинг соф фойдасидан маблағлар захира фондлар ташкил этишга, дивидендлар тўлашга ҳамда бошқа мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

Тақсимланмаган фойда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан устав капиталининг қўпайтирилишига йўналтирилиши мумкин.

36. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

37. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан қўп бўлиши мумкин эмас.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугатайдиган саналар кўрсатилади.

Банк акциядорларига дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлади.

38. Дивидендлар биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича тўланади.

Имтиёзли акциялар оддий акциялар бўйича белгиланадиган дивиденд миқдоридан камида 10 (ўн) фоизли пункт миқдоридан юқори, лекин Банк фойда кўриши-кўрмаслигидан қатъи назар, акция номинал қийматининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун умумий аҳамиятга молик захира фонди таркибда алоҳида модда ажратилади. Имтиёзли акцияни тугатиш қиймати (Банк тугатилаётганда тўланади) унинг номиналининг 100 (юз) фоизини ташкил этади.

39. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Агар дивидендлар тўлаш натижасида Банкнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади.

40. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олманган ҳолда эълон қилади.

Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VIII. Акциядорларнинг ҳуқуқлари

41. Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;
депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

Ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қозғаларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш.

Банк акциядорлари қонун ҳужжатларига ва Банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Банк акциядори томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши Банкнинг бошқа акциядорлари ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Банк томонидан очик обуна усулида жойлаштириладиган қўшимча акциялар муомалаларга чиқарилганда акциядорлар Банк Устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

41.1. Барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий манбаидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлайди.

41.2. Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тиждорат сирларини қўллаш йўли билан Банкнинг бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

42. Банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар қонун ҳужжатлари ва мазкур Банк уставига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида унинг ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

43. Банкнинг имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, бундан қўйидаги масалалар мустасно:

Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

Банк уставига имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; қонунчиликда қўрсатилган бошқа ҳолларда.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тулаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тулик туламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейингисидан бошлаб Акциядорлар умумий йиғилишида унинг ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

IX. Банкнинг бошқарув органлари

44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Банк Бошқаруви Банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Банкнинг мансабдор шахслари ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Банк устави ва бошқарув органи

қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажаришга мажбур ҳисобланади.

45. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

45.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай, одатда навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши май ойининг иккинчи жума куни ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кенгашини ва Банк тафтиш комиссиясини аъзоларини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Йиғилишни ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида банк акциядорларига хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг рўйхати Банк Кенгаши томонидан белгиланади.

Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 5 мартдан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш ҳамда Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органининг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф қилинишига ҳақли. Банк Кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қиритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига қиритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Умумий йиғилиш кун тартибига қўйилаётган масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядор (акциядорлар)нинг номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатган ҳолда ёзма равишда қиритилади.

Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф қиритилганда, номзоднинг исми, башарти номзод Банк акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг номи (исми), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк Кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, Тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан ўтказилади.

45.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

1) Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;

2) Банкни қайта ташкил этиш ва/ёки қайта номлаш;

3) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Банк Кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) Банкнинг устав капиталини қўпайтириш ёки камайтириш;

6) Банкнинг ўз акцияларини олиш;

7) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

8) Банкнинг Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

9) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

10) Банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

11) Банк Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;

12) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти, ички назорат тўғрисидаги ва манфаатлар карама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

13) Банк акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

14) қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

15) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

16) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

17) ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Банкни ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексига назарда тутилган ахборотларни ошқор этмаганлик учун Банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

19) Тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг АЖ дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

20) Эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

21) қонун ҳужжатлари ва Банк уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк Кенгаши ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

Банкнинг устав капиталини қўпайтириш ҳамда эълон қилинган акциялар сонини камайтириш, шунингдек Банк уставига устав капиталини қўпайтириш ҳамда эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга алоқибобошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқаруви (ижроия органи)ни тузиш, Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Банк Бошқаруви органига туланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Банкнинг йиллик режасини тасдиқлаш;

Акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларини тасдиқлаш.

45.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши, агар унда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, овоз берувчи акцияларнинг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

45.4. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш “Банкнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари овоз берувчи акциялар эгалари бўлган, йигилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Акциядорлар умумий йигилиши томонидан Умумий йигилишда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (маънавий кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Банкни қайта ташкил этиш;

Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

Банк Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

конун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

конун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш.

Уставнинг 45.2-банди “ 1)” “2)”, “5)”, “6)”, “9)”, “ 13)”, “ 14)”, “ 16)” ва “19)” кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор факат Банк Кенгашининг таклифи билан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш яқунлари Банк томонидан ўз филиаллари тармоғи орқали бу қарорлар қабул қилинган санадан кечи билан 30 (ўттиз) кун ичида акциядорлар эътиборига етказилади.

45.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Акциядор Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқини шахсан ёки ўз вакили орқали амалга оширади. Акциядорнинг вакили ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилган бўлиши лозим.

Акциядор Умумий йиғилишдаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ҳуқуқига эга, бу ҳақда у йиғилиш бўлишидан камида ўн кун олдин Банк Санок комиссиясига маълум қилади ёки унда ўзи шахсан иштирок этади.

45.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ҳамда шу билан боғлиқ харажатларни қоплаш, қабул қилинган қарорларни акциядорларга етказиш тартиби “Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом (Регламент)га мувофиқ белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

45.7. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк Кенгаши томонидан Санок комиссияси тўзилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банкнинг Санок комиссияси ўз фаолиятини амалдаги конунчилик ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Банк санок комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширади.

46. Банк Кенгаши

46.1. Банк Кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлади. Банк Кенгаши аъзолигига Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан бир йил муддатга сайланади.

Банк Кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган банк ва бошқа соҳалардаги таниқли олимлар ва мутахассислар мустақил аъзо сифатида киритилиши мумкин. Мустақил аъзога қўйиладиган талаблар Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк Кенгаши аъзолигига Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлган шахслар киритилади (конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

46.2. Банк Кенгашининг бурчлари қуйидагилардан иборат:
омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан, кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;

банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;
банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;
банк сиёсатини ва банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;
конун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш;

Банк акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ўз ваколатларини амалга ошириш, Банкни салоҳият билан бошқаришни таъминлаш;
ҳар чоракда Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;
Банк даромадлари устидан мониторингни амалга ошириш;
Банк ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;
Банкни ривожлантиришга оид қабул қилинган бизнес-режанинг баҳарлигини назорат қилиш.

46.3. Банк Кенгаши ваколатлари доирасига қуйидагилар қиради:

Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Бошқаруви ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини қўйиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойини белгилаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Банк Бошқарувини тузиш, Бошқарув Раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес режаларини тасдиқлаш;

Банк ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

“Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом, “Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари тўғрисида”ги Тартиб ва Бош ички аудитор лавозим йуриқномасини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш;

Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан олиш (Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин);

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Банкнинг шўъба ва тобе ҳужалик жамиятларини ташкил этиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш; Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан қўпайтириш ва бу билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар Банк уставига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

Эълон қилинган акциялар миқдори доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк устав капиталини қўпайтириш ва бу билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни Банк уставига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли коғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласини, қимматли қоғозлар чиқарилуви ҳақидаги қарорини ва ушбу ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қимматли қоғозларни чиқариш якунлари ҳақидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

Банк Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш шартлари ва тизимини белгилаш;

Банкнинг кредит, эмиссия, кадрлар, инвестиция, дивиденд сиёсатини ва Банкнинг бошқа сиёсатларини ва тегишли ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Банкнинг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш, шунингдек Банк уставига эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Банкда бошқарув тизими ҳар йили бир марта мониторингини амалга ошириш мақсадида мустақил ташкилотни танлов асосида жалб қилган ҳолда Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкил этиш;

акциядорлар ва инвесторлар учун Банк фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Банкнинг Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

Банк томонидан хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставга биноан Банк Кенгаши ваколати доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Банк Кенгашининг ваколати доирасига кирувчи масалалар ҳал этиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

46.4. Банк Кенгашининг Раиси Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, Кенгаш таркибидан унинг аъзолари томонидан сайланади. Банк Кенгаши ўз Раисини Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Банк Кенгаши Раиси унинг ишини ташкил этади, мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Банк Кенгаши Раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Кенгашнинг аъзоларидан бири (Банк Кенгаши Раиси ўринбосари) амалга оширади.

46.5. Банк Кенгаши мажлиси унинг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви аъзосининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки, Банк ички аудит хизмати раҳбари, Банк ташқи аудитори, шунингдек жами акцияларнинг камида бир фоизига эга бўлган акциядорлар (акциядор) талабига биноан чақирилади.

Банкнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Банк Кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва унинг кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Кенгаш мажлиси унда сайланган Кенгаш аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этганда, ваколатли (кворум тўпланган) деб ҳисобланади. Банк Кенгаши мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчиликлари овози билан қабул қилинади. Банк Кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Банк Устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш ва қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Банк Кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кенгаш томонидан қарор қабул қилишда Банк Кенгаши Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Банк Кенгаши ҳуқуқий мақоми, иш тартиби (регламенти), Кенгаш аъзоларини сайлаш тартиби ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва вазифалари “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

46.6. Банк Кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Банк корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

47. Банк Бошқаруви

47.1. Банкнинг қўндалик фаолиятини коллегиял ижроия органи бўлиши Банк Бошқаруви бошқаради, унинг ишига Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Банк Бошқаруви аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат бўлади.

Банк Бошқарувининг ваколатига Банкнинг қўндалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Бошқарув Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига ҳисобдор бўлиб, уларнинг қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

47.2. Банк Бошқаруви Раиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда, Банк Кенгашининг қарори билан тайинланади. Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Бошқарувнинг бошқа аъзолари ҳам Банк Кенгаши томонидан тайинланади.

Бошқарув аъзолигига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказилади. Бошқарув аъзолигига танловлар регламенти Банк Кенгаши томонидан тасдиқланиб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янги фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга

бўлган, шунингдек хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади.

Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари конун ҳужжатлари, Банк устави, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом ҳамда уларнинг ҳар бири билан тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Акциядорлар умумий йиғилиш томонидан қарор қабул қилинади.

Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома Акциядорлар умумий йиғилишнинг қарори асосида 1 (бир) йил муддатга тузилади. Бошқарув Раиси билан Банк номидан шартномани Кенгаш Раиси ёки Кенгаш ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув Раиси ўринбосари ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Банк номидан Бошқарув Раиси имзолайди.

47.3. Банк Кенгаши Банк Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли. Банк Кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Банк уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

47.4. Банк Бошқаруви:

Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кенгашида муҳокама этилиши лозим бўлган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади, улар юзасидан тегишли ҳужжатлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди;

Банкнинг фаолияти якунларини, депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлашни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар, пул муомаласи, касса хизмати, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

ҳар чоракда Банк Кенгашига узок муддатли стратегия асосида ишлаб чиқилган қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес режаларининг ижроси бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

банк операцияларини амалга ошириш, ҳисобга олиш, ҳисобот, банклараро шартномаларни тузиш масалаларини ҳал қилади;

активлар ва пассивлар операциялари бўйича фоиз ставкаларини тартибга солади;

мажбуриятлар бериш, ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш, кредит, пул ва тулов ҳужжатлари ва хат-ҳужжатларни расмийлаштиришнинг умумий шартлари ва тартибини белгилайди;

Банкнинг кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва кадрлар сиёсатларини, шунингдек конунчилик билан ўрнатилган бошқа ёзма сиёсатлари ва Банкнинг Бизнес режасини ишлаб чиқади ҳамда уларни Банк Кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Банкнинг кредит ва бошқа сиёсатлари, Бизнес-режаси ижросини ва жорий этилишини таъминлайди;

Банкнинг ички Кредит сиёсати ва кредит операцияларини ўтказишнинг умумий шартларига мувофиқ кредит беришни амалга оширади. Кредит ҳужжатларини юритиш тартибига риоя этилишини таъминлайди.

Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари, филиал ва ваколатхоналар фаолиятига раҳбарлик қилади;

Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари (департамент, мустақил бошқарма ва бўлимлар) тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

аудит текширувлари, тафтиш ҳужжатлари, шунингдек Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиал раҳбарларининг ҳисоботларини қўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

ҳодимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилади, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортади;

Банк Кенгашига ички аудит хизмати раҳбари номзоди бўйича таклифлар беради;

Банкнинг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишини таъминлайди;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши унга топширган бошқа масалаларни қўриб чиқади ва ҳал қилади;

Банкнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси, қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес режаларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун Банк Кенгаши ҳамда Акциядорлар умумий йиғилишига киритади;

акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини амалга ошириш бўйича чоралар қўради;

Банк Кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк устави ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун Банк Бошқарувининг ваколатига қирувчи масалаларни у томонидан мустақил ҳал этади;

Банк таркибига қирувчи қорхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида Банк Кенгашига ҳисобот тақдим қилади.

47.5. Бошқарув, унинг мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда, масалаларни ҳал қилишга тўла ҳуқуқли (ваколатли) бўлади. Банк Бошқарувининг қарори қўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзоси ўз фикрини Банк Кенгашига билдириш ҳуқуқига эга.

Бошқарув мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосарларидан бири ташкил этади. Мажлисида баённома тузилади ва у мажлисга раислик қилувчи ҳамда Банк Бошқарувининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

47.6. Банк Бошқарувининг Раиси Банкнинг оператив фаолиятига раҳбарлик қилади, Банк Бошқарувининг мажлисида раислик қилади, Банк Кенгашининг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади.

Бошқарув Раиси Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан республика ҳудудида ва унинг ташқарисидаги барча ташкилотларда Банк манфаатларини қўзлаб иш тутати. Банк номидан битимлар тузади ва ишончномалар беради, штатларни тасдиқлайди, лавозим маошларини

белгилайди, ходимларни, шу жумладан филиал ва ваколатхона раҳбарларини ишга тайинлайди ва ишдан бўшатади, алоҳида ўрнатилган қўлқўриқларни рағбатлантиради ҳамда интизомий жазо чораларини қўллайди, ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва қўрсатмалар беради.

Х. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари

48. Банк амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини ташкил этиши мумкин. Банк филиаллари Банк Кенгаши қарорига биноан очилади (ёки тугатилади) ҳамда Марказий банкда рўйхатга олинади.

Банк ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудларида ва Тошкент шаҳрида айрим филиалларга минтакавий филиал мақоми берилиши мумкин.

Минтакавий филиал мақоми берилган филиал у жойлашган маъмурий-ҳудудий бўлиниш бирлиги доирасида фаолият қўрсатувчи бошқа филиалларга нисбатан назорат ва бошқариш вазифаларини бажаради.

Банкнинг филиаллари мустақил юридик шахс ҳисобланмайди, улар ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида Банк номидан фаолият қўрсатади.

Филиаллар, шу жумладан Бош банк ҳузуридаги амалиёт бўлими ҳамда минтакавий филиалларда мавжуд амалиёт бўлимлари Банк Кенгаши тасдиқлаган Низом асосида иш юритади. Улар Банк номидан банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисmini Банк бўйича белгиланган иқтисодий меъёрлар ва Банк берган ваколатлари доирасида Марказий банк томонидан Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

Филиал раҳбарлари, шу жумладан Бош банк ҳузуридаги амалиёт бўлими ҳамда минтакавий филиаллардаги мавжуд амалиёт бўлимлари бошлиқлари Банк Бошқаруви Раиси томонидан “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан Малака талаблари” (рўйхат рақами: 2989, 2018 йил 30 март)га мувофиқ тайинланади ва Банк Бошқаруви Раиси берган ишончнома асосида иш юритади. Бошқарув Раиси Банк номидан филиаллар раҳбарлари шу жумладан Бош банк ҳузуридаги амалиёт бўлими ҳамда минтакавий филиалларда мавжуд амалиёт бўлимлари бошлиқлари билан меҳнат шартномаси тузади.

Филиаллар ўз фаолиятларини ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро муносабатларини амалдаги қонунчилик ва уларнинг хўжалик-молия фаолиятини тартибга солишчи Банк ички ҳужжатларга мувофиқ хўжалик ҳисоби таъминчилари асосида ташкил этадилар.

Банкнинг филиаллари Банкнинг номи ва эмблема (логотипи) ҳамда ўзининг номи ёзилган юмалок муҳри, штамп ва бланкаларига, балансига эга бўлади.

49. Ваколатхона - Банкнинг алоҳида бўлинмаси бўлиб, Банк манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида Банк турган ердан ташқарида ташкил этилади, банк фаолиятини амалга оширмайди. Банк ваколатхоналари Банк Кенгашининг қарори билан ташкил этилади ва тугатилади.

Банк ваколатхоналарига уларнинг бошликлари раҳбарлик қилади. Банк ваколатхоналари бошликлари Банк Бошқаруви Раиси томонидан тайинланади ва Бошқарув Раиси Банк номидан улар билан меҳнат шартномаси тузади.

Банк ваколатхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва улар Банк Кенгаши тасдиқлаган Низом асосида иш юритадилар.

Ваколатхоналарнинг муҳр, штамп, бланка, баланс, сметаларга эга бўлиши ваколатхона тўғрисидаги тегишли низом билан тартибга солинади.

Ваколатхоналарга уларни фаолиятини таъминлаш учун Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган смета доирасида маблағ ажратилади.

50. Банк ўзи ташкил этган филиаллар ва ваколатхоналарни мулк билан таъминлайди. Банк ўзининг алоҳида бўлинма (филиал ва ваколатхона)ларининг фаолияти учун жавобгардир.

51. Марказий банкнинг рухсати билан Банк Ўзбекистондан ташқарида ўз шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналарини очиши, банklar ташкил қилишда иштирок этишга ҳақлидир.

Банк фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўшма дастурларни амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган асоциациялар ва бошқа бирлашмалар тузишда иштирок этиши мумкин.

Банк инвестициялар ва актив операциялари бўйича даромадларни оширишни таъминловчи акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар ва бошқа ҳўжалик субъектларини таъсис этишда қатнашиши, шунингдек, Банк молия-саноат гуруҳларини ташкил этиши ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши мумкин.

XI. Ҳисоб юритиш ва ҳисобот. Банкни тафтиш ва аудит қилиш

52. Банк операциялари бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш, ҳужжатлар айланиши ва ҳужжатларни сақланиши амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда ташкил этилади.

Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк Бошқаруви зиммасида бўлади.

Молиявий ҳисобот бериш бўйича ҳисобот даври 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайдиган календарь йилидан иборатдир.

Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги Банкнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Банк Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан

Ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

53. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга ҳар ҳисобот йиғилишда Тафтиш комиссияси сайланади. Тафтиш комиссияси таркиби камида 5 (беш) кишидан иборат бўлади. Айти бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятига тааллуқли ҳисоботларини талаб қилиш ва банкда тузилаётган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида олиш;

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб этиш;

Амалдаги қонунчиликда ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланган бошқа ваколатлар.

Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби, унинг ҳуқуқ ва вазифалари Акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлаган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси ҳисобот даври яқунлари бўйича Банкнинг молиявий хўжалик фаолиятини, шунингдек бошқа ҳолатларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган текширувлар (тафтишлар) ўтказиш.

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссияси, Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгашининг ташаббусига қўра ёки Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор талабига қўра Банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

Молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тайёрлайди, бу хулосада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

Банк ҳисоботларидаги ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари бузилганлик фактлари тўғрисидаги ахборотлар.

54. Банк фаолияти аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва Марказий банк сертификатига эга бўлган ташқи аудиторлар томонидан ҳар йили текширишдан ўтказилиши лозим. Аудит капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссуда бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчилик ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади.

Банк ўз ҳисоботларини, уларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги аудиторлар томонидан тасдиқлангандан сўнг, Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда эълон қилади.

55. Банк тизимида ички аудит текширувлари Банкнинг Ички аудит хизмати томонидан конунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

ХII. Банкни қайта ташкил этиш, васийлик ўрнатиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш

56. Банкни қайта ташкил этиш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра уни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш орқали конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

57. Омонатчи ва кредиторлар манфаатларига реал хавф солувчи тартиббузарликларга йўл қўйилган тақдирда, Марказий банк қарорига кўра Банкка амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда васийлик ўрнатилади.

Васийлик ўрнатилган вақтдан бошлаб ва бутун васийлик режими давомида Банк Бошқаруви, Банк Кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари тўхтатилади. Уларнинг барча ваколатлари васийга ўтади.

58. Банк қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

Акциядорлар умумий йиғилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорига кўра;

Марказий банк лицензияни чакириб олганда;

банкрот деб эълон қилинганда.

Банк қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш шаклида қайта ташкил этилганда ҳам ўз фаолиятини тўхтатади.

Банк ихтиёрий равишда тугатилаётганда Банк Кенгаши томонидан Банк акциядорлари умумий йиғилишига ушбу масала киритилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши тугатиш тўғрисида ва Тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан Банкни бошқариш бўйича барча ваколатлар Тугатиш комиссиясига ўтади. Банк фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

59. Банк қайта ташкил этилганлиги, унга васийлик ўрнатилганлиги, унинг фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

ХIII. Банк устави, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш

60. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кенгаши қарорларига асосан амалга оширилади. Банкнинг Устави, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Банк уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек Банкнинг янги тахрирдаги Устави учинчи шахслар учун Марказий банкдан рўйхатдан ўтказилгандан эътиборан кучга қиради.

Банк уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

61. Банкнинг ушбу янги таҳрирдаги Устави тасдикланиши ва рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан, 2014 йил 13 июндаги Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши томонидан 31-сонли баённома билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 27 июнда 17-сонли баённома билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон саноат - қурилиш банки” акциядорлик тижорат банкининг устави ҳамда унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Банк Бошқаруви Раиси



А. Воитов

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари


С. Аннакличев

Бошқарув Раиси ўринбосари


Ш. Яқубов

Бошқарув Раиси ўринбосари


А. Эргашев

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори


О. Воҳидов

Юридик департаменти
директори


Б. Норхужаев

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки**

2018 йил “3” сентябрь

№ 17-1

**Марказий банк Раисининг
биринчи ўринбосари**

Т.А.Ишметов



“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Кенгашининг**

2018 йил “8” ноябрь даги

79/2018 -сонли баёиномаси

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Кенгаши Раиси**

А.С.Султанов



**“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент – 2018 йил

**Банк акциядорларнинг 2018 йил 20 июндаги йиллик умумий
йиғилишининг 37-сонли баённома қарори билан тасдиқланган
янги таҳрирдаги “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки”
акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритилаётган
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

**1. Банк Уставининг 16.1-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги
таҳрирда баён этилсин:**

“16.1. Банкнинг устав капитали (жойлаштирилган акциялар сони) 1.751.843.469.948 (бир триллион етти юз эллик бир миллиард саккиз юз қирқ уч миллион тўрт юз олтмиш тўққиз минг тўққиз юз қирқ саккиз) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

умумий қиймати 1.744.813.469.948 (бир триллион етти юз қирқ тўрт миллиард саккиз юз ўн уч миллион тўрт юз олтмиш тўққиз минг тўққиз юз қирқ саккиз) сўм бўлган 91.832.287.892 (тўқсон бир миллиард саккиз юз ўттиз икки миллион икки юз саксон етти минг саккиз юз тўқсон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

умумий қиймати 7.030.000.000 (етти миллиард ўттиз миллион) сўм бўлган 370.000.000 (уч юз етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

**2. Банк Уставининг 16.2-банди ўзгартирилеин ва қуйидаги
таҳрирда баён этилсин:**

“16.2. Устав капиталини ошириш мақсадида, Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган (қўшимча) жами акциялар сони 179.119.841.030 (бир юз етмиш тўққиз миллиард бир юз ўн тўққиз миллион саккиз юз қирқ бир минг ўттиз) донани ташкил қилади, шу жумладан:

умумий сони 178.933.841.030 (бир юз етмиш саккиз миллиард тўққиз юз ўттиз уч миллион саккиз юз қирқ бир минг ўттиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

умумий сони 186.000.000 (бир юз саксон олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

Бошқарув Раиси

А. Воитов

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2019 йил “11” апрель

№ 17-2

Марказий банк Раисининг
биринчи ўринбосари

Т.А. Ишметов



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Кенгашининг

2019 йил “18” февраль даги
16 / 2019 -сонли баённомаси

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Кенгаши Раиси

А.С. Султанов



**“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

**Банк акциядорларнинг 2018 йил 20 июндаги йиллик умумий
йиғилишининг 37-сонли баённома қарори билан тасдиқланган
янги таҳрирдаги “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки”
акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритилаётган
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

**1. Банк Уставининг 16.1-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги
таҳрирда баён этилсин:**

“16.1. Банкнинг устав капитали (жойлаштирилган акциялар сони) 2.169.156.019.947 (икки триллион бир юз олтмиш тўққиз миллиард бир юз эллик олти миллион ўн тўққиз минг тўққиз юз қирқ етти) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

умумий қиймати 2.162.126.019.947 (икки триллион бир юз олтмиш икки миллиард бир юз йигирма олти миллион ўн тўққиз минг тўққиз юз қирқ етти) сўм бўлган 113.796.106.313 (бир юз ўн уч миллиард етти юз тўқсон олти миллион бир юз олти минг уч юз ўн уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

умумий қиймати 7.030.000.000 (етти миллиард ўттиз миллион) сўм бўлган 370.000.000 (уч юз етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

**2. Банк Уставининг 16.2-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги
таҳрирда баён этилсин:**

“16.2. Устав капиталини ошириш мақсадида, Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган (қўшимча) жами акциялар сони 157.156.022.609 (бир юз эллик етти миллиард бир юз эллик олти миллион йигирма икки минг олти юз тўққиз) донани ташкил қилади, шу жумладан:

умумий сони 156.970.022.609 (бир юз эллик олти миллиард тўққиз юз етмиш миллион йигирма икки минг олти юз тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

умумий сони 186.000.000 (бир юз саксон олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

Бошқарув Раиси



А. Воитов